O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 14-iyun • Shanba • 73 (27.878) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Тинчлик ва барқарорлик энг олий қадриятлардир. Аммо улар ўз-ўзидан вужудга келмайди, балки кўп меҳнат талаб қилади. Мамлакатда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкам сақлаб келаётгани ҳамда умуминсоний ва миллий қадриятларга содиқ қолаётгани учун Ўзбекистон халқига ҳар қанча таҳсин айтса арзийди. Мен Ўзбекистонда қарийб беш йил ишладим ва бу мамлакатнинг буюк келажагига ишонаман».

Мьюша Север хоним, АҚШнинг Янги демократиялар институти «Очиқ мулоқот» лойиҳаси директори.

2008 йил – Ёшлар йили

ИШ ЎРИНЛАРИ ТАКЛИФ ЭТИЛАДИ

Ўсиб келаётган ёш авлодни замонавий касб-ҳунарга ўргатиш, муносиб иш билан таъминлаш масаласи бугунги кунда мамлакатимиз ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Касб-ҳунар коллежи ва олий ўқув юртларини тамомлаган айрим ёшлар эса қайси ташкилот ёки корхонага ишга киришни ўйлаб қолишади. Худди ана шу муаммони ўз вақтида ижобий ҳал этиш мақсадида куни кеча Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ҳокимлиги ташаббуси билан Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ташкил этилди.

— Бундай ярмаркаларнинг ўтказилиши битирувчиларимиз учун айни муддао бўлди, — дейди Тошкент 1-педагогика коллежининг амалиёт ишлари бўйича раҳбари Гулчеҳра Мақсудова. — Бугун жуда кўп ёшларимиз ота-оналари билан келиб, ўз мутахассисликлари бўйича иш топиш имкониятига эга бўлишди.

Коллежимизни бу йил 725 нафар ўқувчи битирган бўлса, уларнинг 714 нафари буюртма асосида ўз ихтисосликлари бўйичи ишга жўнатиладиган бўлди. Қолганлари эса худди шу ярмаркадан иш топишади. Фикримча, бундай ярмаркаларга маҳаллалар фаолларини ҳам кўпроқ жалб қилиш керак. Шундагина ўша ҳудуддаги ёшларга ҳам имконият эшиклари кенг очилади.

— Корхонамизда қирққа яқин бўш иш ўрни бор, — дейди «ALKIM TEKSTIL» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасининг ходимлар билан ишлаш бўлими раҳбари ёрдамчиси Наргиза Ҳафизова.

— Бизда, айниқса, ёш кадрларга эҳтиёж катта. Иш уч сменада ташкил этилган бўлиб, бугун битирувчи ёшлар тикувчилик, тўқув ва бўёқ бўлимларида ишлаш таклифини билдиришаяпти. Ҳозиргача ўттизга яқин ариза қабул қилдик.

— Мазкур ярмарка мен каби эндигина мустақил ҳаётга қадам қўяётган тенгдошларим учун муҳим аҳамиятга эга бўлди, — дейди Чилонзор туманидаги матбаа касб-ҳунар коллежининг бухгалтерия бўлими битирувчиси Раъно Маҳмудова. — Бугун ҳаётимдаги унутилмас кунлардан бири бўлиб қолади. Чунки мени акциядорлик тижорат «Микрокредитбанк»нинг Тошкент шаҳар бўлимида кассирлик лавозимига ишга таклиф қилишди. Ҳали қўлимга дипломимни олмай туриб, мана шундай нуфузли ташкилотдан иш топишим — юртимизда биз ёшлар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилганлигидан далолат беради.

Дилноза УБАЕВА, битирувчи:

— Болалигимдан тикувчиликка меҳрим бошқача бўлган. Шунинг учун ҳам шу йўналиш бўйича таҳсил олганман. Аммо қаерда ишлашни ҳали ўйлаб кўрмагандим. Ярмаркага келиб, Чилонзор туманининг ўзида шунча бўш иш ўринлари борлигини билдим. Энди отаонам билан маслаҳатлашиб, уйимизга яқин тикувчилик корхонасига ишга кирмоқчиман.

Шунга ўхшаш ярмаркалар ёшларимиз учун кенг имкониятларни яратиб бериши шубҳасиз. Чунки ишлаган одамнинг оиласи фаровон, келажаги ёрқин, ризқи бутун бўлади.

Жасур ҲУСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *бўш иш ўринлари ярмаркасидан лавҳалар.*

Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

13 июнда Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлисини 2008 йил 28-29 июнь кунлари Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган бир қатор қонунларни, жумладан: «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 224-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини киритиш режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга сенаторлар муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2007 йил юзасидан ҳисоботлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2007 йилда давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳолати тўғрисидаги ахбороти ҳақидаги масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда. Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига тааллуқли бошқа бир қатор масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Кенгаш Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг ўн тўртинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириб бориш вазифасини Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинова зиммасига юклади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати

ЯНГИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАСИ

Қоровулбозор саҳросида қад ростлаган нефтчилар шаҳарчасидан яна бир кўнгилочар маскан ўрин олди. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи курувчилари меҳнати эвазига спорт-соғломлаштириш мажмуаси бунёд бўлди.

— Бу, — дейди ЎзХДП туман кенгаши раиси Ибодулла Нурманов, — шаҳарчада «Ёшлар йили» Давлат дастури асосида қурилиб фойдаланишга топширилган учинчи иншоотдир. Бу ерда ҳар куни юзлаб ёшлар спортнинг ўнга яқин тури билан шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар.

Биргина бу эмас, мажмуа фаолият кўрсата бошлаши билан ўнлаб мураббий, устоз, ишчи-хизматчи муқим иш жойига эга бўлди. Эрта-индин яна кўплаб ёш оилалар учун қурилаётган уй-жой бинолари ўз эгаларига топширилади.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП ҳаёти

АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗЛАРИ

партия ташкилотлари ва электорат фаоллигини ошириш йўлида

ЎзХДП минтақавий ва маҳаллий кенгашлари қошида ташкил этилган ахборот-ресурс марказларининг асосий мақсади партия ташкилотлари, аъзолари ва электоратининг сиёсий-ҳуқуқий билимини мустаҳкамлаш, уларга ахборот-услубий кўмак беришдир. Жойларда мазкур марказлар фаолиятини яхшилаш, уларни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва адабиётлар билан таъминлаш ҳамда моддий-техник жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон республика партия кенгашида «ЎзХДП маҳаллий кенгашлари ахборот-ресурс марказлари фаолиятини яхшилаш ва уларни партия мафкуравий йўналишининг муҳим қисмига айлантириш» мавзуидаги семинар-кенгашда ҳам шу масала муҳокама этилди. ЎзХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши раиси А.Асанов ўз нутқида мазкур йўналишдаги ижобий ишлар билан бирга, партия кенгашлари раҳбарлари эътиборини бу борадаги мавжуд камчиликлар, АРМ фаолиятини ташкил этишда баъзи туманларда сусткашликка йўл қўйилаётганига қаратди.

Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши томонидан ҳам худди шундай семинар-кенгаш ўтказилди. Унда вилоят партия кенгаши раиси Р.Сабуров АРМни ташкил этиш бўйича тажриба алмашиш, баъзи туманлардаги марказлар ишини жонлантириш масалаларига тўхталди.

Семинарда сўзга чиққанлар АРМ ишини такомиллаштириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар билдирди. Ахборот-ресурс марказлари фаолиятининг яхшиланиши ЎзХДП ташкилотлари аъзолари ва электорати фаоллигини оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

ЎзХДП: ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги **Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи**нинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, партия ташкилотлари Жамоатчилик қабулхоналарига аҳолидан тушаётган мурожаатларни ижобий ҳал қилишда депутатларнинг иштироки, партия ташкилотлари билан электорат манфаатларини ҳимоя қилишдаги ҳамкорликни кучайтириш каби масалалар кўриб чиқилди. Улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, вазифалар белгилаб олинди.

Ўзбекистон ХДП Муборак туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда туман партия кенгаши амалга оширган ишлари, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи фаолияти ҳамда партия ташкилотларининг асосий устувор вазифалари муҳокама қилинди. Сўзга чиққан вилоят партия кенгаши раиси Рашид Муртозоев партия аъзоларининг фаоллиги, ташаббускорлигини ошириш, электорат билан ишлашни такомиллаштириш масалаларига тўхталди. Пленумда ташкилий масала кўрилди. Алиме Парпиева Ўзбекистон ХДП Муборак туман кенгаши раиси этиб сайланди.

Ўзбекистон ХДП Оқолтин, Ховос, Сайхунобод туман кенгашларида Мамлакат Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонини жойларда тарғиб қилишда партия ташкилотларининг иштирокига бағишланган давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Тадбирларда декларацияда белгиланган шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқларнинг Конституция ва қонунларимизда тўлиқ акс этгани ҳамда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига оид замонавий ёндашувнинг, маданиятни шакллантиришда тутган ўрни қайд этилган ҳолда, уни электорат орасида янада кенг тарғиб этишда партия фаоллари, депутатлик гуруҳларининг вазифалари хусусида сўз юритилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

Тадбир

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ЭҲТИЁЖИ

Бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган замонда ҳақ-ҳуқуқингни ҳимоя этиш учун ҳар қадамда ҳуқуқий билим керак бўлади. Адлия вазирлиги ташаббуси билан ўтказилаётган «Жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ОАВнинг ўрни ва аҳамияти» мавзуидаги семинарлар ана шу масалага қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Навбатдаги тадбир Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Ҳ.Сулаймонова номли Республика суд экспертиза марказида бўлди.

Мазкур тадбирни ташкил этишдан мақсад — адлия тизими, жумладан, суд экспертизаси ходимлари билан журналистлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашдан иборат.

Маълумки, ОАВ суд экспертиза соҳасига кам мурожаат қилади. Бу серқирра соҳани кенг ёритиш, унинг инсон ҳуқуқлари ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишдаги аҳамиятини кўрсатиш лозим, албатта. Бунда ўзаро ҳамкорлик яхши самара беради. Республикамизда бугунги кунда ўтказиладиган суд экспертизалари, уларнинг турлари, имкониятлари, ҳал этадиган масалалари ва мақсадлари ҳақида оммабоп, халқчил тилда бериладиган маълумотлар, шубҳасиз, жамиятимиз аъзоларининг тасаввуртушунчалари бойишига хизмат қилади.

Семинарда амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бирга ҳал этилиши лозим бўлган камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Республика суд экспертиза хизмати, унинг туб мақсад ва вазифаларини кенг жамоатчиликка етказишда ОАВнинг имкониятларидан етарли фойдаланилмаётгани қайд этилди. Шу билан бирга, Марказ ходимлари ҳамда журналистлар ҳуқуқий маданият такомилига ҳамкорликда ҳисса қўшиши лозимлиги айтиб ўтилди.

Ана шундай тадбирлардан яна бири Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан ҳам ўтказилди.

Равшан ШОДИЕВ

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» танлови

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ва Ўзбекистон Бадиий академияси ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини ва бошқа ижодкорларни мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилигига етказувчи, маънавий меросимиз ва миллий қадриятларимизнинг ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдаги ролини кўрсатувчи, ижтимоий ҳаётдаги демократик ўзгаришлар ва янгиланиш жараёнларини акс эттирувчи, фуқароларнинг бу жараёнлардаги иштирокини, эл-юрт равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатини ифодаловчи асарлар яратишга чорлаш мақсадида уларни республика мустақиллигининг 17 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган анъанавий «Энг улуғ, энг азиз» танловига таклиф этади.

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИ ҚУЙИДАГИ НОМИНАЦИЯЛАР БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАДИ:

- ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;
- босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
- телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
- тасвирий санъат асарлари;
- кино санъати асарлари

ТАНЛОВГА ТАҚДИМ ЭТИЛГАН ИЖОДИЙ ИШЛАРГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ИЛОВА ҚИЛИНИШИ ЛОЗИМ:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг паспорти нусхаси;
- иш жойидан тавсиянома;
- муаллифнинг манзили ва боғланиш телефони.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг 17 йиллиги байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар «Энг улуғ, энг азиз» танловига деб кўрсатилган ҳолда 2008 йилнинг 1 августига қадар қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси,
Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси

Телефонлар: 244-32-33; 244-64-61; 244-57-24; 244-11-64;

ЖАЗО МУҚАРРАРЛИГИ ВА ИЖРО МЕХАНИЗМИ 2

НЕПАЛДАГИ ВОҚЕАЛАР... 3

ФАЛАК ИЛМИНИНГ СУЛТОНИ 4

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI Хизматлар лицензиялан

«Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

ЁШ ФАОЛЛАР КЎҲНА ШАҲАРДА

Наманган шаҳар партия кенгаши депутатлар билан бирга «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолларининг Марғилон шаҳрига сафарини ташкил этди. Кенгаш раисининг ўринбосари Фазлиддин Юнусов ва «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Бурхонжон Икромов бошчилигидаги наманганлик ёшларни Марғилон шаҳар партия фаоллари ва «истиқбол»чи фаоллар кутиб олишди. Ёшлар даставвал Бурхониддин Марғиноний мақбарасини зиёрат қилишди. Марғилоннинг «Ҳунармандлар шаҳарчаси»да бўлиб атлас, адрас, гилам тўқиш жараёнлари билан танишдилар. «Кабутарлар мозори» номи билан машҳур Пирсиддиқ мадрасаси, Бурхониддин Марғиноний чиллахонаси ва «Ҳидоя» асарининг ёзилиш тарихига доир қимматли маълумотлар ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

— Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик тўйи нишонланганига ҳали кўп бўлгани йўқ, — дейди Бурхонжон Икромов. — Бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларини ўз кўзимиз билан кўриш халқимиз салоҳияти, Ватанимиз тарихи нақадар улуғ эканини англашга, дахлдорлик ҳисси кучайишига хизмат қилади. Шу аснода марғилонлик ёш фаоллар билан фикр алмашиш имкониятига ҳам эга бўлдик.

Наманган шаҳар партия кенгаши навбатдаги сафарни Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига уюштиришни режалаштирган. Унга ўз истеъдоди билан тенгдошларига намуна бўлаётган ёшлар жалб этилади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«СЕН ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАССАН»

Ўзбекистон ХДП Навоий шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари шаҳардаги 1-сонли «Мехрибонлик уйи»да тарбияланаётган ўқувчилардан тез-тез хабар олиб туришади. Яқинда эса улар «Сен ҳеч кимдан кам эмассан» деб номланган тадбир ўтказишди. Унда «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари ўзлари тайёрлаб келган концерт дастури билан тарбияланувчилар кўнглини хушнуд этишди. Бундан ташқари, ўқувчиларнинг сиёсий, маданий, ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида интерфаол усуллар орқали қизиқарли ўйинлар ташкил қилинди.

— Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятини ошириш болаликдан бошланиши лозим, — дейди «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли Гулрухсора Ҳамидова. — Маънавиятни юксалтиришга қаратилган тадбирлар жамиятда ёшларимизнинг ўрнини мустаҳкамлаш ва ўз бурчларини чуқур ҳис этишларига хизмат қилади.

Тадбир сўнггида Ўзбекистон ХДП Навоий шаҳар кенгаши томонидан Мехрибонлик уйи тарбияланувчиларига эсдалик совғалари улашилди.

Дилшода ВОҲИДОВА,
«Истиқбол» ёшлар қаноти фаоли

Суратда: *фаоллар Мехрибонлик уйи тарбияланувчилари билан.*

Қонун ва шарҳ

ЖАЗО МУҚАРРАРЛИГИ ВА ИЖРО МЕХАНИЗМИ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Шу йил 10 апрель куни матбуотда эълон қилиниб кучга кирган **«Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ана шу ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Қонун бешта моддадан иборат бўлиб, унинг 1-моддаси билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексининг 44-моддаси учинчи қисмига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, қуйидаги таҳрирда баён этиш белгиланди:

«Агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек, кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга, қамоқнинг ҳар бир ойи эса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади».

Мазкур моддага киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, эндиликда аввал қўлланилган «маҳкум» сўзи ўрнига «ҳукм қилинган шахс» сўзлари қўлланилди ва бу билан жиноят содир этган шахснинг мазкур ҳолатдаги ҳуқуқий мақоми моҳияти аниқ очиб берилди. Шунингдек, илгари жаримани тўламаганлик учун ушбу моддада назарда тутилган бошқа турдаги жазо билан алмаштириш учун асос сифатида фақат маҳкум томонидан жаримани тўлашдан уч ой мобайнида бўйин товлаши белгиланган бўлса, эндиликда бу асослар аниқ ҳолатлар ва вазиятлар билан аниқлаштирилди ва унга кўра жаримани бошқа жазо турлари билан алмаштириш учун аниқ ва янги асослар белгиланди. Булар маҳкум жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа; қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса; кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган бўлса.

Илгари жариманинг тўланмаган миқдорини фақат ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки қамоқ тариқасидаги жазо билан алмаштириш мумкин эди. Эндиликда жариманинг тўланмаган миқдорини алмаштириш мумкин бўлган яна бир жазо тури, яъни озодликдан маҳрум қилиш ҳам белгиланди. Унга кўра жариманинг тўланмаган миқдорини суд ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш ёки қамоқ тариқасидаги жазолар билан бир қаторда озодликдан маҳрум қилиш билан ҳам алмаштириши мумкин. Энг муҳими, илгари ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш жазосининг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилган бўлса, мазкур қонун билан юқоридаги жазо турларининг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилди. Шу билан бирга илгари қамоқнинг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилган бўлса, эндиликда мазкур қонун билан қамоқ жазо турининг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилди.

Қонуннинг 2-моддаси билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 542-моддаси қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилди: «Жарима жазосига ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахс жарима жазосини ва ахлоқ тузатиш ишларини жазонинг бошқа тури билан алмаштириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилиши учун судда узрсиз сабабларга кўра ҳозир бўлмаган тақдирда, жазони ижро этувчи органнинг тақдимномаси маҳкум йўқлигида кўриб чиқилиши мумкин. Бундай ҳолда жарима жазоси ёки ахлоқ тузатиш ишлари қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган тақдирда, суд маҳкумга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва қидирув эълон қилиш масаласини ҳал қилиши керак».

Модданинг бундай қоида билан тўлдирилиши, процессуал қонунчилик нормаларида судларга жазо турларини алмаштиришнинг асосларини яратади. Унга кўра, башарти жарима жазосига ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахс судга келишдан бўйин товласа ёки одил судловдан яширинаётган бўлса, жазони ижро этувчи органнинг жарима жазосини ёки ахлоқ тузатиш ишларини жиноий жазонинг бошқа турлари билан алмаштириш тўғрисидаги тақдимномаси суд томонидан маҳкумнинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкинлиги белгиланди. Айни бир вақтда жарима ёки ахлоқ тузатиш ишлари қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштирилган тақдирда, суд маҳкумга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва қидирув эълон қилиш масаласини ҳал қилади.

Қонуннинг 3-моддаси билан Жиноят-ижроия кодексининг жарима жазосини ижро этиш тартибига оид 19-моддасига ҳам ўзгартиш киритилди.

Мазкур моддага киритилган ўзгартиш ва қўшимча билан жаримани ихтиёрий равишда тўлаш муддати уч ойдан бир ойгача қисқартирилди. Демак, эндиликда жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс бир ой ичида жаримани ихтиёрий равишда тўламаган тақдирда, жарима суд ижрочиси томонидан мажбурий тартибда ундирилади. Айни вақтда жаримани мажбурий тартибда ундириш ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир қилган шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги назарда тутилди ҳамда вояга етмаган шахслар учун тайинланган жаримани ихтиёрий равишда тўлашнинг муддати олти ой этиб белгиланди.

Умуман олганда, мазкур қонун жарима жазосини ижро этиш масалаларини ҳуқуқий тартибга солади. Хусусан, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят ижроия кодекслари ва «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг алоҳида моддаларини мувофиқлаштиради. Содир этилган жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлайди ҳамда жарима тариқасидаги жиноий жазони мажбурий ижро этишнинг процессуал ҳуқуқий механизмини яратади.

Нодир МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими.

14 июнь — Бутунжаҳон донорлар куни

КЎНГИЛЛИ ХАЛОСКОРЛАР

ёки ЎзХДП фаоллари ташаббуси

ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши фаоллари томонидан кўнгилли донорлар рўйхати аниқланиб, қон қуйиш масканларида уни топшириш жадваллари тузилди.

Инсон вужудининг кўп аъзоларига сунъий андозалар топа олган жаҳон тиббиёти қоннинг ўрнини боса оладиган суюқлик ярата олмади ва қонга муҳтож бемор ҳаётини фақат инсон қонигина асрай олиши мумкин.

— Вилоятимиздаги кўнгилли донорлар сафига партиямизнинг бир неча ўнлаб фаоллари қўшилди, — дейди ЎзХДП Сирдарё вилоят Кенгаши раиси Алишер Тошматов. — Шуни таъкидлаш жоизки, фаолларимиз бу ишга фақат тарғибот учун эмас, балки қалб амри билан келдилар. Бағрикенглик халқимизга хос. Зеро, ўзганинг ҳаётини узайтириш бағрикенглик белгисидир. Бинобарин, партиямизнинг дастури замирида ҳам ногиронлар, беморлар, эҳтиёжманд инсонларга мадад бериш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш каби эзгу мақсадлар мужассам. Бугун партиядошларимиз орасидаги донорлар ана шундай эзгуликка, хаста инсонлар ҳаётининг халоскорига айландилар.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз вилоят, туман, шаҳарларида қон топшириш, уни сақлаш, дастлабки қайта ишлашга доир барча шарт-шароитлар яратилган. Республикамизда ҳозирги замон тиббиётининг энг сўнгги ютуқлари билан жиҳозланган олтита қон қуйиш маркази ташкил этишга киришилди.

— Бундай марказларнинг экстремал ёрдамга муҳтож беморларни қон билан таъминлашда аҳамияти беқиёс, — дейди Сирдарё вилоят қон қуйиш бош шифокори Гадойбой Дониёров. — Биринчи навбатда, бу марказларда донор қонини узоқ муддат сақлаш, исталган вақтда муҳтож касалхоналарга етказиш имконияти яратилади. Қон таркибини узоқ вақт мукаммал сақлаб туриш жиддий муаммо ҳисобланади. Масалан, 40 даража совуқликдаги муҳитда қонни 4 ойгача сақлашни такомиллаштириш билан бирга, уни 5 йилгача сақлаш имконияти ўзлаштирилди. Донорлик ҳар қандай соғлом инсоннинг бурчига айланса, қон касалликларига чалинган беморлар умри узайган бўлади. Шу боис, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бу ташаббусини жондилимиз билан қўллаб-қувватлаймиз. Бундан қанча кўнгиллар обод бўлади.

Ҳозирги шароитда қон билан ишловчи мутахассисларга осон тутиб бўлмайди. Экомуҳитнинг ўзгариши, турли касалликлар, айниқса ОИТС, юқумли гепатит каби қон таркибида «уя қурадиган» хасталикларнинг кўпайиши уларнинг ишига бўлган талабни кескин оширди. Бунинг натижаси ўлароқ «хавфсиз қон» атамаси таомилга кирди. Бу — бемор вужудига юборилаётган қон хавфсизлигига юз фоиз кафолат бериш демакдир.

Вилоят қон қуйиш станциясидаги шарт-шароит билан танишиб, бунга эришиш йўлида жиддий саъй-ҳаракатлар қилинаётганининг гувоҳи бўлдик. Ҳар бир донордан олинган қон тегишли тиббий лабораторияларда тўққизта йўналиш бўйича тест текширувларидан ўтказилади.

Вилоят қон қуйиш станциясида ягона донорлик маркази ташкил этилган бўлиб, бу ерда барча донорларга доир атрофлича маълумотлар йиғилган. Айни вақтда, вилоят бўйича доимий равишда қон топшириб келаётган ва рўйхатга олинган 1300 нафар донорнинг саломатлиги, қон топшириш имкониятларига доир маълумотлар компьютер хотирасидан ўрин олган. Бугунги кунда бош ҳамшира Маҳбуба Жуманова, олий тоифали врач-лаборант Гулбаҳор Абдужабборова, врач-трансфузиолог Алмира Алимова, қон консервацияси бўлими мудири Тўйчи Жангиров, Сирдарё тумани тиббий бирлашмаси қон қуйиш бўлими мудири Мамадали Эсонов сингари мутахассислар ўз вазифасини сидқидилдан бажариб келаяпти.

Донор қони. У — ҳаёт шами сўниб бораётган хаста вужудларга қайта ҳаёт бағишлайди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобича, агар дунёдаги барча соғлом одам ўз ҳаёти давомида лоақал бир марта донорлик қилса, қон таъминотида умуман муаммо қолмас экан. Бу савоб ишга ҳисса қўшадиганлар ЎзХДП ташаббуси билан вилоятда янада кўпайди.

Мунаввар ПАРДАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КОРХОНА МАҲСУЛОТЛАРИГА ТАЛАБ КАТТА

Ўзбек пахта толаси пишиклиги, сифатлилиги билан довруғи оламга кетган. Эндиликда ундан тайёр, ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш тобора ортиб бормоқда. Шу туфайли кўплаб саноат корхоналари бунёд этилмоқда, мавжудлари қайта реконструкция қилинмоқда.

Ана шундай эзгу мақсадлар йўлида Избоскан туман маркази Пойтуғ шаҳридаги «ЎзАндлюкстекстиль» хусусий корхонасида ҳам кенг кўламли ишлар бошлаб юборилди. Бир йилда 500 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга корхонани янада ривожлантириш мақсадида хитойлик тадбиркорлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Яқинда янги цех ишга туширилиб, унда кунига 30 минг дона қоп ишлаб чиқарила бошланди. Бу келажакда ишчиларнинг сони салкам 200 нафарга етади, деганидир.

Суратда: ўраш цехи ишчиси Малоҳат Азизова.
Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

СОТИЛСА ФОЙДАЛИ, ОЛИНСА ЗАРАРЛИ

Тамаки маҳсулотлари инсон саломатлиги учун хавфли экани ҳаммага маълум. Чунки бу ҳақда ҳаётий мисоллар ҳам, илмий асосланган далиллар ҳам кўп, қанча айтилган, қанча ёзилган. Шундай бўлса-да, чекадиганлар сони кам эмас. Бундан эса яъни, тамаки маҳсулотларининг харидорлигидан айрим кимсалар фойдаланиб, ноқонуний йўл билан мўмай даромад орттиришга ҳаракат қилишади. Аммо...

Республикамиз божхоначилари томонидан тамаки маҳсулотлари контрабандасига қарши курашиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яқинда Фарғона вилояти божхона бошқармаси ходимлари айланма йўлда ҳаракатланаётган қўқонлик Ю.Назаров бошқарувидаги «Нексия»ни тўхтатиб кўздан кечиришганда, автомашина салони ҳамда юкхонасида қиймати 4,5 миллион сўмдан ортиқни ташкил этувчи 11 400 қути «Новость» номли сигареталар борлиги аниқланди. Ушбу автомашина билан олдинма-кетин ҳаракатланиб келаётган хорижий русумдаги автомашинага ҳам тўхташ ишораси берилганда ҳайдовчи божхона ходимларининг қонуний талабларига бўйсунмасдан тезликни ошириб, ҳаракатни давом эттирди. Тезкор ходимлар ушбу автомашина Олтиариқ туманида истиқомат қилувчи фуқаро А.Қобиловнинг хонадонига кириб кетгунча кузатиб келишди ва сўнгра уни текширувдан ўтказишди. Натижада фуқаро А.Абдуҳамидов бошқарувидаги ушбу автомашинанинг салони ва юкхонасига қиймати 3.5 миллион сўмдан ортиқ 8900 қути «Новость» ҳамда 1000 қути «PINE» номли қиймати ярим миллион сўмлик тамаки маҳсулотлари юкланганлиги маълум бўлди.

Бундан ташқари, ушбу хонадон қонунчиликда белгиланган тартибда кўздан кечирилганида, бу ерда 5520 қути «Новость», 500 қути «GAMEL», 500 қути «MOND» номли тамаки ҳамда бир неча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ноқонуний равишда сақланаётганлиги фош этилди. Ўтказилган суриштирув ишлари натижасида ушбу маҳсулотлар қўқонлик З.Каплановага тегишли эканлиги ва уларнинг умумий қиймати 20 миллион 500 минг сўмдан ортиқни ташкил этиши аниқланди.

Шунга ўхшаш қонунбузарлик ҳолати Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан Тошкент туманида истиқомат қилувчи фуқаро Т.Нартиллаевнинг хонадонини кўздан кечириш чоғида ҳам кузатилди. Хонадон соҳибининг укаси Б.Нартиллаев акасининг уйида қиймати қарийб 22 миллион сўмлик, 24250 қути тамаки маҳсулотларини ноқонуний равишда сақлаётган экан. Дастлабки суриштирув ишлари давомида ушбу маҳсулотлар муқаддам айланма йўллар орқали оз-оз миқдорда олиб кирилиб, тўплаб қўйилганлиги маълум бўлди.

Фуқаро С.Халилов қўл юклари орасига 600 минг сўмлик 1000 қути «LD» номли сигареталарни яшириб, юртимизга олиб кирмоқчи бўлганида Андижон вилоятидаги «Мингтепа» божхона пости ходимлари томонидан тўхтатиб қолинди.

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари фуқаро С.Базарбаевни божхона назоратидан ўтказишганда у қиймати 450 минг сўмлик хорижда ишлаб чиқарилган 500 қути «PALL MALL»ни республикамизга ноқонуний равишда олиб кирмоқчи бўлганлигини аниқлашди.

Фуқаро А.Менглиев божхона расмийлаштирувидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган, қиймати 1 миллион 600 минг сўмлик 2 минг қути «PINE» номли тамаки маҳсулотларини «Нексия»га юклаб кетаётганда манзилга етолмай қолди. Сабаби у йўлда Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси ходимларига дуч келди.

Шуни таъкидлаш жоизки, республикамиз божхоначилари томонидан жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида 176 та қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, умумий қиймати 161 миллион сўмдан ортиқ, салкам 216 минг қути тамаки маҳсулотлари контрабандасига чек қўйилди.

Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати

ЦВАНГИРАЙ ОЗОД ҚИЛИНДИ

Зимбабве полицияси мамлакатдаги етакчи мухолифат партияси «Демократик ўзгаришларга ҳаракат» раҳбари Морган Цвангирайни озод қилди, деб хабар беради Рейтер. Цвангирай ва партиянинг бошқа фаоллари Гверудаги полиция бошқармасида уч соатга яқин ушлаб турилган. Бундан аввал, 6 июнь куни ҳам Цвангирай мамлакат бўйлаб қилган сайловолди сафари давомида ҳибсга олинганди. Иккинчи маротаба партия етакчиси ЖАР президенти Табо Мбекининг қўнғироғидан сўнг қўйиб юборилди. Цвангирай 27 июнга белгиланган президент сайловида иштирок этиш учун Зимбабвега қайтиб келган. Сайловнинг илк босқичида у 47,9 фоиз овоз олди.

Дунё саҳнасида

НЕПАЛДАГИ ВОҚЕАЛАР

Непалда инқилобий кайфият энг баланд нуқтага етиб борди. Бу тўғри маънода ҳам, кўчма маънода ҳам шундай. Дунёнинг энг баланд чўққиси Эверест ёки Жамолунгма жойлашган Непалда монархия барҳам топиб, ўзини социалистик деб эълон қилган дунёвий давлат пайдо бўлди. Непалнинг 240 йиллик монархия тузуми тарихга айланди. «Ҳимолайни Жомолунгмасиз, Непални қиролсиз тасаввур этиб бўлмайди» дегувчиларнинг гапи эртакка айланди.

Дунёвий давлат деб эълон қилинишидан аввал қирол Гьянендра оиласи билан Катмандудаги Нараянитхи саройидан чиқиб кетди. Эндиликда бу сарой халққа бериладиган бўлди.

Таҳлилчилар Непалда қироллиқнинг ағдарилишини Афғонистоннинг ўтмишига қиёслашмоқда. Маълумки, 1933 йилнинг ноябрида Муҳаммад Зоҳир Шоҳ Афғонистонда давлат тепасига келган. Қирқ йил мобайнида у мамлакатни бошқарди.

Бу даврда кўплаб халқ хўжалиги корхоналари, Баграм ва Кобул аэропортлари, каналлар ва йўллар барпо этилди. Қишлоқ хўжалик экинлари етиштириш ўсиб борди. Лекин 1973 йилнинг 17 июлига ўтар кечаси Муҳаммад Зоҳир Шоҳ Италияда, Неапол шаҳри клиникасида даволанаётган пайтда Бош вазир Муҳаммад Довуд бошчилигида бир гуруҳ ҳарбийлар Афғонистонда тўнтариш содир этади. Орадан бир ой ўтгач, Муҳаммад Зоҳир Шоҳ ўз ихтиёри билан салтанатдан воз кечади.

Аслида, Муҳаммад Довуд ҳам Зоҳир Шоҳ сулоласидан эди. У биринчи навбатда шоҳликка барҳам берган ва Афғонистонни Республика деб эълон қилган. 1978 йилнинг 27 апрелида собиқ иттифоқнинг қўли билан Афғонистонда «Савр инқилоби» содир этилган ва Муҳаммад Довуд ўлдирилган. Ўшандан бери Афғонистон нотинч, жаҳоннинг «қайноқ нуқтаси»га айланган. Довуд олти йил Афғонистонни бошқарган бўлса, Непалнинг сўнгги қироли Гьянендра етти йил ҳукмронлик қилди, холос.

Ҳаммаси 2001 йилнинг 1 июлидан бошланди. Тахт вориси шаҳзода Дипендра маст ҳолда, саройда тўполон чиқаради. Шундан сўнг, яқин қариндошлари томонидан ётоқхонасига олиб кетилди. Бироқ бир соат ўтар-ўтмас у қўлидаги қурол билан саройда, зиёфатда пайдо бўлади ва унда иштирок этаётганларни отиб ташлайди. Қурбон бўлганлар ичида қирол Бирендра ҳам бор эди. Ўз отасини, онаси ва укаларини ўлдирган шаҳзода кейин ўз жонига ҳам қасд қилади. Шу тариқа марҳум қиролнинг укаси Гьянендра Непал тахтини эгаллаган. Кўпчилик ўшанда саройдаги машъум ҳодисалар ортида айнан Гьянендра турганига шубҳа қилмаган эди.

Таҳлилчилар Афғонистон ва Непал воқеаларида ўхшашлик борлигини таъкидлашмоқда. Афғонистон воқеаси мамлакатда катта нотинчликнинг бошланиши бўлган. Аммо Непалдаги ўзгариш қандай тус олишини ҳали келажак кўрсатади.

Қирол саройида рўй берган қонли воқеалардан сўнг ўтган етти йил давомида Непалда фуқаролар уруши авжига чиқди. Бу республика тузумини ўрнатиш талабини илгари сураётган маочилар билан ҳукумат кучлари тўқнашуви натижасида келиб чиқди. Мамлакатда нотинчлик бошланди. Бу эса монархия обрўсини бутунлай тўкиб юборди. Шунингдек, янги қирол ўзининг айрим хатти-ҳаракати билан ўзига тобе бўлганларнинг «қонини қайнатиб» юборди. Шу ўринда, янги қиролнинг 2005 йили ҳукуматни тарқатиб юбориб, ҳокимиятни тўла ўз қўлига олганини эслаб ўтиш жоиз. Бироқ бу чора-тадбир тожу тахтни сақлаб қолишга ёрдам бермади. Норози бўлган халқ кўчага чиқди. Ноилож Гьянендра ҳокимиятни халққа топширишга рози бўлди. Шу тариқа 2008 йилнинг 28 майидан бошлаб Непалда қироллик тузуми тугатилди. Аслида апрель ойида Миллий Ассамблеяга бўлиб ўтган сайловларда маочилар қўлга киритган ғалабадан кейин, кўпчилик Непалда монархиянинг куни тугаб бораётганини башорат қилган эди.

Кичик давлат бўлишига қарамай, Непалда бир нечта коммунистик рухдаги партиялар мавжуд. Непал Коммунистик (маочилар) партияси уларнинг энг йириги дир. Айни шу партия 1996 йилдан бери Непалда монархия тузумини тугатиб, халқ социалистик республикаси барпо этиш учун курашиб келади. Мана шу кураш фуқаролар урушига айланиб кетди ва 13 минг тинч аҳолининг ҳаётига зомин бўлди. Непал Коммунистик (маочилар) партиясининг раҳбари Пушпа Камал Дахал Парчанда номи билан машҳур. 53 ёшли Парчанда партиянинг ҳарбий қаноти бўлмиш Халқ озодлик армиясига ҳам раҳбарлик қилади.

Партиянинг «Парчанда йўли» деб номланган дастурида мамлакатда феодализмдан капитализм орқали социализмга ўтиш ваъда қилинмоқда. Яъни, улар хусусий мулкни давлат ихтиёрига ўтказиш ниятида эмас. Улар иқтисодиётни худди Хитойникига ўхшаб ривожлантирмоқчи. Мамлакат тадбиркорлари ҳозирча ўз мулкларини йўқотишдан хавфсирамаса ҳам бўлади. Бироқ, қироллик мулки тўлалигича давлат ихтиёрига ўтади. Айтиш керакки, сўнгги қирол Гьянендранинг мол-мулки ва кўчмас мулки давлатга ўтказилмайди. Янги ҳукумат собиқ қиролга мурожаат қилар экан, унга тадбиркорлик билан шуғулланишга рухсат берди. Маочилар раҳбари мард чиқиб қолди. У собиқ қиролга сиёсат билан шуғулланишга ҳам рухсат берди. Энди Гьянендра ўз партиясини тузиб, агар халқ овоз берса, бош вазир бўлиши ҳам мумкин.

Маочилар қўлга киритган муваффақиятни қанча муддат сақлаб туришларини вақт кўрсатади. Биринчидан, мамлакатда сиёсий барқарорлик юзага келиши керак. Иккинчидан, вазиятнинг қай томонга ўзгаришини кузатиб турган ташқи кучларнинг ниятлари ҳам ҳозирча номаълум.

Непал ҳам Афғонистонга ўхшаб қолмаса, иккинчи «қайноқ нуқта»га айланмаса бўлгани. Непалнинг монархия деб номланган тарихига нуқта қўйилиб, республика деб аталган янги тарихи бошланган экан, унда қора саҳифалар бўлмаса, дейлик. Социалистик инқилоблар ҳеч қачон яхшилик олиб келмаганини эътиборга олган ҳолда, Непал халқи дунёга ҳушёр боқади, тарихдан сабоқ чиқариб, соғлом фикр билан келажакка интилади, деб умид қиламиз.

Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ

ХАВФ ТУҒДИРМОҚДА

Террорчилик ташкилотларга алоқаси бўлмаган, аммо қўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширувчи радикал руҳдаги шахслар жаҳон ҳамжамиятига жиддий таҳдид солмоқда, дейилади «саккизлик»ка аъзо давлатларнинг ички ишлар, адлия вазирлиги ҳамда прокуратура раҳбарлари қабул қилган Декларацияда. Lenta.ruнинг хабарига кўра, вазирлар икки кунлик Токио йиғилишида мазкур ҳужжатни имзолаган.

Йиғилиш иштирокчилари ахборот ва алоқа технологиялари, айниқса, интернетнинг ривожланиши туфайли экстремистик ғояларни тарғиб этиш ва портловчи моддаларни ишлатиш ҳақида маълумот олиш осонлашганига алоҳида тўхталди. Жиноятчиларнинг янги усул ва воситалардан фойдаланишини ҳисобга олиб, «саккизлик» давлатлари «жиноятчиликка олиб келувчи радикалларни бошланғич босқичларда аниқлаш» муҳимлигини таъкидлашди. Япония жамоатчилик хавфсизлиги раҳбари Синья Идзуми радикаллик илдизи алоҳида шахсларнинг жамияттдан ажралиб қолишида эканини айтди ва бунинг олдини олиш кераклигини таъкидлади.

МАРКАЗ ИШГА ТУШДИ

Ҳиндистонда электрон оммавий ахборот воситалари орқали узатиладиган теледастурларни назорат қилувчи махсус мониторинг маркази ишга тушди, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Мазкур марказ эфирга узатиладиган барча дастурларнинг мазмун ва моҳиятини таҳлил этиш, уларнинг тегишли қонун-қоидаларга риоя этилишини, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларнинг мамлакат маданияти, анъаналари ва менталитетига мос келишини назорат қилиш билан шуғулланади.

Мамлакат ахборот ва радиоэшиттириш вазирлигининг маълумотларига кўра, айни вақтда ушбу марказ юздан зиёд тижорат каналини назорат қилмоқда.

КОСОВОДА ЯНГИ МИССИЯ

БМТ Бош котиби Европа Иттифоқининг Косоводаги мавқеини оширишга ҳаракат қилмоқда, деб хабар беради РИА Новости. Маълум бўлишича, 15 июнь куни Косовонинг Конституцияси кучга киради, шундан кейин БМТ мамлакатни назорат қилиш бўйича аксарият чора-тадбирларини амалга оширолмайди. Бу ҳақда бош котиб Хавфсизлик Кенгашига тайёрлаган ҳисоботида айтиб ўтган. Ҳужжатда у ташкилотнинг Косоводаги миссиясини Европа Иттифоқи адо этиш учун шароит яратган ҳолда мувофиқлаштириш ҳақида таклиф киритган.

2008 йил — Ёшлар йили

УНИВЕРСИТЕТ УЧУН ЯНГИ БИНО

бунёд этилиши ҳақидаги хушхабар Термиз давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талабаларини бирдек қувонтирди.

Мазкур даргоҳ вилоятдаги ягона олий ўқув юрти бўлиб, ҳозир бу ерда жами 39 та йўналиш бўйича 8378 нафар йигит-қиз таълим олмоқда.

— 1965 йилда университетимиз ўз фаолиятини мактаб-интернат биносида бошлаганди, — дейди профессор Жаббор Омонтурдиев. — Кейинчалик қурилган бино ҳам талабга жавоб бермай қолган эди. Энди талабалар учун зарур шарт-шароитлар яратиладиган бўлди. Умуман олганда, кўп йиллик орзу-умидларимиз рўёбга чиқаётганидан беҳад хурсандмиз.

Маълумотларга кўра, бинолар мажмуаси тўрт йил давомида қурилиши режалаштирилган бўлиб, биринчи босқичда тарих ва педагогика факультети учун, кейин эса бошқа йўналиш талабалари учун ўқув бинолари қурилади. Шунингдек, санъат саройи, музей, маъмурий бино, спорт мажмуаси, сузиш ҳавзаси ҳам бунёд этилади. Лойиҳанинг умумий қиймати 9 миллиард сўм. Иншоот тўлиқ қурилиб, фойдаланишга топширилгач, ёшларнинг нафақат ўқиши, балки спорт билан шуғулланиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун ҳам имкониятлар яратилади.

Азиза ШОЙИМАРДОНОВА, талаба, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати:

— Ёшлар йили сурхондарёлик йигит-қизлар, хусусан, Термиз давлат университети талабалари учун жуда қувончли келди. Университетимизнинг жаҳон андазаларига мос янги биносини қуриш ҳақидаги Юртбошимиз ташаббуси бизга кўтаринки кайфият бағишлади.

Шафоат Раҳматулло ТЕРМИЗИЙ, доцент:

— Истиқлол йилларида халқимизнинг яратувчанлик қудрати юксалди. Бугун мамлакатимиз улкан қурилиш майдонига айланди, десам, муболаға бўлмайди. Айниқса, бу ташаббус бутун Сурхон халқининг, хусусан, биз зиёлиларнинг кўнглимизни тоғдек кўтарди.

Қурбон ЖЎРАНАЗАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Иқтисодиёт ва ислоҳот

СИФАТЛИ МОЛИЯВИЙ МАДАД — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Бу йилги қиш қаттиқ келишига қарамай, Сирдарё вилоятининг шаҳар ва туманларида истиқомат қилувчи аҳоли дастурхонидан янги узилган сабзавотлар ва кўкатлар аримади. Негаки, ўтган йили вилоятда кўплаб иссиқхоналар бунёд этилди. Бу иссиқхоналарда тонналаб маҳсулот етиштирилиб, бозорлар тўлдирилди. Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Сирдарё вилоят бўлими бу ишларга бош-қош бўляпти. Банк бўлимининг молиявий мадади туфайли янги-янги замонавий иссиқхоналар қурилгани, 2007 йилнинг ўзида бу ишлар учун тўртта лойиҳага 338 миллион сўмлик узоқ муддатли кредит маблағлари ажратилгани фикримизнинг далилидир.

— 2007 йил биз учун қувончли келди, — деди биз билан суҳбатда «Назаров Шариф» фермер хўжалиги бошлиғи Шариф Назаров. — Иссиқхонамиз бўлишини, аҳолини қишин-ёзин турли сабзавот маҳсулотлари билан таъминлашни орзу қилиб юрар эдик. Ниҳоят, бу орзу амалга ошди. Миллий банкнинг Сирдарё вилоят бўлимига мурожаат қилган эдик, улар лойиҳамизни маъқуллаб, 200 млн. сўм маблағ ажратиб беришди. Каттагина иссиқхона қуриб олдик. Қишда эса дастлабки маҳсулотларимизни Гулистон деҳқон бозорига олиб чиқдик. Мактаблару болалар боғчаларига ҳам янги узилган бодринг, помидор етказиб бердик. 60 кишини мавсумий ишга жалб қилдик.

Миллий банк бўлими вилоят тадбиркорларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келяпти. У сармоя ва активлар ҳажми, кўрсатилаётган хизматлар ва бажарилаётган операциялар доирасидаги кўрсаткичлар бўйича вилоятда пешқадамлик қилиб, амалда ўзининг универсаллигини исботлаяпти ҳамда ҳақли равишда ишончли ва самарали кредит-молия муассасаси сифатида обрў қозонмоқда.

Шу йилнинг ўтган тўрт ойи давомида барча манбалар ҳисобидан 2 млрд. 806,3 млн. сўм кредит ажратилди. Шундан 648,6 млн. сўми қисқа муддатли, 2 млрд. 157,7 млн. сўми узоқ муддатлидир. Шу вақт ичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан кредит ажратиш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари 520,7 млн. сўм бўлгани ҳолда, жорий йилда 663,8 млн. сўм кредит берилди.

Маълумки, Сирдарё вилояти асосан аграр соҳани ривожлантиришга ихтисослашган. Шу боис банк бўлими қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, моддий-техника базасини тиклашда кўмаклашиш мақсадида бир қатор ишларни амалга оширди.

2007 йил ва жорий йилнинг ўтган 4 ойи давомида банк томонидан 60 та юридик шахс мақомига эга бўлган фермер хўжаликларига мавжуд техникаларини таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар ва қишлоқ хўжалиги техникалари сотиб олиш учун 1 млрд. 289,5 млн. сўм қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратилди.

Шу йилнинг ўзида фермер хўжаликларига тўрт дона «МТЗ-80» русумли ва учта «ВТ-150Д» русумли тракторлар ва бешта дон ўриш комбайнларини харид қилиш учун 708,7 млн. сўм узоқ муддатли кредитлар берилди.

— Мен Оқолтин туманидаги «Ювошбой ҳожи» фермер хўжалигига раҳбарлик қилиб келяпман, — дейди Ибодулла Маматқулов. — Биз ҳамиша пахта ва ғалладан баракали ҳосил кўтарамиз. Миллий банк эса молиявий мададкоримиз. Мана, яна ғалла пишиғи арафасида турибмиз. Бўлиқ буғдой бошоқлари етилмоқда. Биз ўрим мавсумига пухта ҳозирлик кўрдик. Барча техника воситалари таъмирлаб қўйилди. Яқинда яна бир қувончли воқеа бўлди. Яъни, Миллий банкдан 146,0 млн. сўм узоқ муддатли кредит олиб, Германиянинг «Класс» фирмасида ишлаб чиқилган «Класс Доминатор» комбайнини харид қилдик.

Шу тумандаги «Мадамин ота» фермер хўжалиги раҳбари Иброҳим Мадаминов ҳам банк ажратган 146,0 млн. сўм кредитга «Класс Доминатор» комбайни харид қилганини айтди. Бунинг эвазига фермер хўжаликларида қўшимча ўн икки ишчи ўрни яратилди.

Миллий банк Сирдарё бўлими 2006 йил 2 майда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1568-сон билан рўйхатдан ўтган «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан чорва моллари сотиб олишга кредит сўраб тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, 30 нафар фуқарога чорва моли сотиб олиш, чорвачиликни ривожлантириш ҳамда оилавий аҳволини моддий томондан мустаҳкамлаш учун 3 йил муддатга нақд пул миқдорида банкнинг ўз маблағи ҳисобидан қарийб 46 млн. сўм узоқ муддатли имтиёзли микрокредитлар ажратди. Бундан ташқари, иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 15 та кам таъминланган фуқарога 20 млн. сўмдан зиёд микрокредитлар берилди.

Бўлим томонидан кичик бизнес субъектларини ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида барча молиялаш манбалари ҳисобидан 2008 йил 1 май ҳолатига йил бошидан берилган кредитлар миқдори иқтисодиётнинг реал тармоқлари бўйича, аввало саноат соҳасини ривожлантириш учун — 31,4 млн. сўм (4,6%), бошқа тармоқларга — 18,0 млн. сўм (2,6%), савдо ташкилотларнинг айланма маблағларини янада тўлдириш мақсадида — 221,7 млн. сўм (32,4%) ва қишлоқ хўжалигига — 412,8 млн. сўм (60,4%)ни ташкил қилади.

Бу йил эса тадбиркорларга бундан ҳам кўпроқ кредит ажратиш кўзда тутилган. Яқинда банкнинг доимий мижози «Бекбола транс» масъулияти чекланган жамият раҳбари Эркин Маҳкамов ташаббус билан чиқди. У Гулистон шаҳри аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилашга бел боғлади. Шу боис ажойиб лойиҳа тузиб, Миллий банк бўлимига мурожаат қилди. Банк унинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, жамиятга тўртта «Исузи» русумли автобус сотиб олиш учун маблағ ажратди. Тадбиркор ўз маблағи ҳисобига яна иккита автобус сотиб олди. Айни пайтда масъулияти чекланган жамият аҳолига сифатли ва арзон транспорт хизмати кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш юзасидан банк бўлимида бирмунча ишлар қилишга улгурилди.

Сиз банкда, унинг филиаллари ва минибанкларида бўлсангиз, махсус эълон тахтачалари ҳамда омонатчилар бурчаги ташкил этилганини кўрасиз. Ундан Президент Фармони, банк сирига оид бўлган меъёрий ҳужжатлар ҳамда амалдаги омонат турлари ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

Жисмоний шахслар томонидан банклардаги депозит ҳисоб варақларига қўйилган пул маблағлари уларнинг ўз хоҳишларига кўра ва чекловларсиз доимий равишда бериб келинади. Мижозларга хизмат кўрсатиш маданиятига қатъий риоя қилинган ҳолда, хизмат кўрсатиш вақти максимал даражада тезлаштирилмоқда. Мижозлар билан бевосита операциялар бажарувчи ходимлар доимий равишда барча меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя қилиши назоратга олинган.

Ушбу Фармон қабул қилингандан сўнг миллий валютада «Арафа» — йиллик 30%, «Баҳорги» — йиллик 25%, шунингдек, АҚШ долларида «Севинч» — йиллик 10%, еврода «Парвоз» — йиллик 6%, шунингдек, сўм, АҚШ доллари ва еврода «Тақдим этувчига» ва бошқа омонат турлари жорий қилинди.

Чет эл тўлов тизимлари орқали банк бўлимида мижозларга хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. 2008 йилнинг 1 январь ҳолатига 3 млн. 562 минг 143, 47 АҚШ доллари мижозларга тўланди ва 303 млн. 501 АҚШ доллари чет элга ўтказиб берилди. Шу йилнинг 1 май ҳолатига 885 минг 961,62 АҚШ доллари мижозларга тўланди ва 104 минг 908 АҚШ доллари чет элга ўтказиб берилди.

Хуллас, миллий банкнинг Сирдарё вилоят бўлими ходимлари Ёшлар йилида шижоат билан ҳаракат қилмоқдалар. Уларнинг нияти — халқ хўжалигининг барча соҳаларини қамраб олиб, мижозларга замонавий хизмат кўрсатишни янада такомиллаштириб боришдан иборат.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

НОРИН — СИРДАРЁ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдосини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Иншоот номи	Бошланғич нархи ҚҚС сиз (сўм)	Қурилишни якунлаш муддати (кун)
ЛОТ 5.1	Мингбулоқ туманидаги «Аччиққўл» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (1-босқич);	96 579 629	140
ЛОТ 5.2	Косонсой туманидаги «Косонсой» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш (2-босқич);	36 677 008	55
ЛОТ 5.3	Чуст туманидаги хўжаликлараро «Баймоқ» зовур системасини таъмирлаш ва тиклаш.	94 038 410	130

Буюртмачи: Наманган шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 68-уйда жойлашган Норин — Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси гидрогеология мелиоратив экспедицияси.

Телефон: (8-369) 226-38-34, 226-78-53.

Қурилиш ишлари\ Молия вазирлиги қошидаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасидан ажратилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: **Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.** (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача мурожаат қилишлари мумкин:

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари битта Лот тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўн беш кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: **Наманган шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 68-уй.**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги бўш (вакант) профессор, доцент, катта ўқитувчи ва ўқитувчи (ассистент) лавозимларига битим асосида ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Миллий ғоя; ҳуқуқ ва маънавият асослари кафедраси **профессорлигига**;

Социология, Физика ва уни ўқитиш методикаси, Амалий математика ва информатика, Зоология ва агротупроқшунослик, Педагогика кафедралари **доцентлигига**;

Иқтисодиёт назарияси, Экология, Ботаника, Амалий математика ва информатика, Математик анализ ва алгебра, Мусиқа кафедралари **катта ўқитувчилигига**;

Тиббиёт асослари, Инглиз тили ва адабиёти, Бошланғич таълим кафедралари **ўқитувчи (ассистент)лигига**.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза;
2. Шахсий варақа;
3. Олий маълумоти, илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги дипломлар рўйхати;
4. Илмий ишлар рўйхати;
5. Малака оширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.

Ҳужжатлар эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Манзил: 730003. Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй.
Телефон: (8.375) 225-34-13, 225-62-92, факс: 225-57-01.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси «Turkiston» ва «Молодежь Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Салим Ашуровга онаси **НИЁЗХОН ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент темир йўл муҳандислари институти жамоаси «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси мудири, профессор Тозабек Ташмурадовга отаси **Тошмурад ОЙБАШЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Аждодлар мероси

ФАЛАК ИЛМИНИНГ СУЛТОНИ

Тарихда биз ҳар қанча фахрлансак арзийдиган шундай аждодларимиз ўтганки, улар дунё илм-фани тамаддунида ўзига хос ўринга эга. Ана шундай сиймолардан бири, шубҳасиз, Мирзо Улуғбек бўлиб, у нафақат улуғ давлат арбоби, балки математика, астрономия, тарих фанлари бўйича қилган оламшумул кашфиётлари билан фан хазинасини бойитган беқиёс аллома бўлган. У илми нужум борасидаги тадқиқотларини Самарқанддан унча узоқ бўлмаган Куҳак тепалигидаги улкан расадхонада олиб борган. Улуғбек табиий фанлар билан бевосита ўзи шуғулланади. Машҳур математик ва астрономларни ўз атрофига тўплаб, уларга ҳомийлик қилади.

Самарқанддаги Улуғбек мадрасасининг пештоқидаги юлдузлар, осмон тасвири улуғ бобомиз қолдирган бебаҳо меросдан дарак бериб турибди. Замонасининг дорулфунуни дея эътироф этилган ушбу мадрасада илоҳий билимлар билан бир қаторда риёзиёт, тарих, жўғрофия, илми аруз сингари дунёвий фанлар ҳам ўқитилган.

Бу саъй-ҳаракатлар Мирзо Улуғбек дунёда биринчилардан бўлиб, 1420 йилда Самарқандда Байтул ҳикма — ҳикмат уйи — академияни таъсис этишига асос бўлди. Француз адиби Волтер: «Улуғбек Самарқандда биринчи академияга асос солган», деб ёзадики, бу унинг довруғи Европа маърифат аҳилларига ҳам маълум бўлганидан далолат беради. Зеро, бу даргоҳда ўз даврининг буюк олимлари фаолият кўрсатди. Уни том маънода Улуғбек академияси деб эътироф этиш мумкин. Кейинчалик ҳам Самарқанд илм-фан ва адабиёт маскани бўлиб қолишида мазкур академиянинг ўрни беқиёс бўлган.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Ўша қадим замонда Улуғбек бошчилигида расадхонада олиб борилган илмий кузатишларнинг ҳисоблаш натижалари ҳозирги кўрсатгичлардан унча ҳам фарқ қилмайди. Масалан, эклептика текислигининг экваторга оғмаганлигини Улуғбек $23^h 30^m 15^s$ деб топган бўлса, ҳозирги техника ривожланган даврдаги ҳисоблаш натижаси $23^h30^m47^s$ дир. Тафовут 32 секундни ташкил қилади, холос. Ўша даврда юлдуз йили 365 кун 6 соат 10 минут 8 секунд деб ҳисобланган, бугунга келиб эса 365 кун 6 соат 9 минут 6 секунд деб аниқланди. Ўртадаги фарқ 1 минуту 2 секундни ташкил қилади, холос. Расадхонада эришилган илмий тадқиқотларнинг мумтоз маҳсули — юлдузлар ва сайёралар ҳаракатига бағишланган Улуғбекнинг мукаммал астрономик жадвали «Зижи жадиди Кўрагоний» бўлиб, бу асарда 1019 та юлдузнинг вазияти, ҳаракатланиши аниқ кўрсатиб берилган. Худди шу жадвални тузиш учун махсус ҳисоблаш маркази фаолият кўрсатган.

Улуғбекнинг астрономик жадвали ўша замондаёқ классик астрономиянинг машҳур асари сифатида фақат Шарқда эмас, балки Европа ва Америкада ҳам катта шуҳрат қозонган. 1471 йилда Али Қушчи бу асарни бошқа ноёб китоблар қатори Туркияга олиб боради. Бу эса китобнинг Европада ҳам кенг тарқалишига омил бўлади. Ўз вақтида Шарқнинг атоқли астрономларидан бўлган Биржандий ва Чалабий унга шарҳлар ёзишган. 1643 йилда эса Оврўпада бу ноёб асар ҳақида инглиз астрономи Жон Гриве монография нашр эттиради.



Англиялик тадқиқотчи Хилда Хукхэм XV асрда, темурийлар Уйғониш даврида Самарқанд дунёнинг йирик илмий-маърифий марказига айланганини таъкидлаб, «Бу беқиёс илмий-маърифий тараққиёт Европа Уйғониш даврига туртки берди ва Европа илм-фани камол топишига мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди», деб ёзади. У Мирзо Улуғбекнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» асарига алоҳида тўхталади. Буюк Британия Энциклопедиясининг Амир Темур қисми муаллифи бўлган Хилда Хукхэм XVII асрга келиб, Британия қироллиги биринчи мунажжими иш бошлаганида, шу мумтоз асарга таянган ҳолда, астрологик тадқиқотлар олиб борганини қайд этади.

Мирзо Улуғбек ўша машҳур асарининг бир бобини астрологияга бағишлаган. Бу йўналиш эндиликда кўпгина хорижий мамлакатларда тараққий этмоқда. Ҳозир Самарқанд давлат университетида ҳам ушбу йўналиш бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилган.

Улуғбек илмий меросини тадқиқ қилиш, расадхонани таъмирлаш ва унинг қошида замонавий расадхона қуриш, юқори астрономик кузатишлар ўтказиш мақсадида Самарқанд давлат университетида астроном бакалавр илмий йўналиши очилди ва фаолият кўрсатаяпти. Бунда биринчи навбатда астроном кадрларни тайёрлаш ва фундаментал илмий натижаларга эришиш назарда тутилади. Шунингдек, университетимизда тадқиқотлар олиб бориш мақсадида диаметри 48 см. бўлган телескоп ўрнатилган. ЎзФА қошидаги Астрономия институти билан ҳамкорликда ишга туширилган мазкур қурилмада бугунги кун учун муҳим ва иккита катта моҳиятга эга бўлган янги ўзгарувчан юлдуз туркуми аниқланди. Ҳозир эса бу янги юлдузнинг характеристикаси, хусусият ва параметрларини аниқлаш борасида амалий ишлар қилинмоқда.

Айтиш керакки, астрономия ўзининг илғор ва етакчи фанлардан эканлигини аниқ далиллар билан амалда исботлаётир. Хусусан, юлдузлар энергияси манбаларини излаш юзасидан олиб борилаётган астрофизик тадқиқотлар, келажакда энергия танқислигини бартараф этиш, ядро физикасининг ривожланиши ва термоядро энергиясидан саноат ҳамда халқ хўжалигида фойдаланиш бўйича айни пайтда олиб борилаётган интенсив тадқиқотлар бунинг тасдиғидир.

Шунингдек, коинотда ўтказилаётган астрофизик тадқиқотлар, чунончи, фазода кимёвий элементларнинг пайдо бўлиши, уларнинг эволюцияси, актив ядролиги, галактикалар, квазарлар, нейтрон юлдузлар, қора ўралар ҳамда космологиянинг коинотни бир бутунлигини тасдиқ этиши каби изланишлар астрономиянинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Бу илмий ишларни амалга ошириш билан биз улуғ аллома йўлини тутиб, бу соҳа ривожига озми-кўпми ҳисса қўшган бўламиз.

Баҳром МАҲМУДОВ,
Самарқанд давлат университетининг Мирзо Улуғбек номидаги астрофизика кафедраси мудири, профессор.

✧✧✧

Ҳусан ТЎҒИЗОВ олган сурат.

ЎЗ УЙИДА ДЕВОРЛАР ҲАМ ЁРДАМ БЕРМАДИ

Португалия, Хорватия терма жамоалари чорак финалга йўлланма олган бўлса, мезбонлар — Швейцария ҳамда Австрия футболчилари ўз мухлисларини ранжитишда давом этишмоқда.

Европа чемпионати гуруҳ босқичининг иккинчи тур ўйинлари чинакамига ҳал қилувчи баҳслар мақомини олди. Унда «А» гуруҳининг дастлабки турдаги ғолиблари Португалия — Чехия терма жамоалари ўзаро куч синашдилар. Ниҳоятда муросасиз ва кескин кечган ушбу баҳсда бразилиялик Луис Фелипе Сколари бош мураббийлик қилаётган Португалия терма жамоаси 3:1 ҳисобида ишончли ғалаба қозонди ва мусобақанинг биринчи чорак финалчисига айланди.

— Бугун мағлубиятга учраган бўлсак-да, ҳали кейинги босқичга чиқишдан умидимизни узганимиз йўқ, — деди учрашувдан сўнг Чехия терма жамоаси бош мураббийи Карел Брюкнер. — Ишонаманки, футболчиларимиз Туркия терма жамоасига қарши ўтадиган ўйинда бугунгидек хатоларни такрорлашмайди. Жамоамиз ўта кучли рақибга дуч келди. Ўйин тақдирини эса дунёнинг етакчи футболчиларидан бири Криштиану Роналду ҳал қилганини ҳамма ўз кўзи билан кўрди. У бир бор дарвозабонни доғда қолдирган бўлса, яна учинчи голга ҳаммуаллифлик қилди.

Гуруҳнинг иккинчи учрашувида Швейцария — Туркия терма жамоалари ўзаро рўбарў келди. «Ўз уйингда деворлар ҳам қўллайди», деганларидек, ушбу ўйин олдидан кўпчилик мезбонларнинг имкониятини юқори баҳолаётган эди. Бироқ амалда бундай бўлиб чиқмади. Тўғри, учрашувда швейцарияликлар биринчи бўлиб тўп киритишганди. Аммо иккинчи бўлимда ўйин тизгинини тўлиқ ўз қўлига олган Фотиҳ Терим шогирдлари мезбонлар дарвозасини икки маротаба аниқ нишонга олиб, Швейцария терма жамоасини кейинги босқич йўлланмасидан маҳрум қилдилар.

Чемпионатнинг «В» гуруҳида ҳам яна бир чорак финалчи номи маълум бўлди. Биринчи турда Польша терма жамоасини 2:0 ҳисобида енгган Германия футболчилари қутилмаганда Хорватия вакилларига имкониятни бой бериб қўйди — 1:2. Мазкур ўйиннинг охирги дақиқаларида ўз асабларини жиловлай олмаган немис футболчиси Бастиан Шванштайгер майдондан четлатилди. Эслатиб ўтамиз, бу мусобақада футболчиларга кўрсатилган биринчи қизил карточкадир. Саралаш баҳсларида футбол ватани — Англия терма жамоасини ортда қолдирган Хорватия футболчилари германияликларни чиройли тарзда мағлуб этиб, қитъа чемпионатидаги ғалабалари тасодиф эмаслигини исботлашди ва чорак финалга йўлланма олишди.

Илк ўйинда Германия терма жамоасига ютқазиб қўйган Польша футболчиларининг кейинги босқичга чиқиш имкониятини сақлаб қолишлари учун иккинчи турда австрияликларни енгишлари зарур эди. Тўғри, мезбонларга қарши ўтган ўйинда польшаликлар ғалабага жуда яқин туришганди. Аммо учрашувнинг асосий вақтида 1:0 ҳисобида олдинда борган Польша терма жамоаси ҳакам томонидан қўшиб берилган дақиқаларда ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юбориб, ўзларини қийин аҳволга солиб қўйишди — 1:1.

Кеча кечқурун «С» гуруҳида Италия — Руминия, Голландия — Франция терма жамоалари ўзаро куч синашдилар. Бугун бўладиган «Д» гуруҳининг Швеция — Испания, Греция — Россия терма жамоалари учрашувлари билан эса иккинчи тур ўйинлари ўз ниҳоясига етади.

Эркин ХОЛБОБО

Республика Нейрохирургия илмий маркази учун 1997 йил 17 декабрда тузилган №2368775533 рақамли ер кадастри (Тошкент ш. Юнусобод тумани, Каблуков кўчаси, 5-уй) йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 549
12311 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 20.45
Topshirilgan vaqti — 00.15
1 2 3 4 5 6 7 8
Sotuvda erkin narxda

Табиат ва инсон

ХИЗР ҚЎРҒОНИНИНГ ЭЛЧИЛАРИ

Наманганлик машҳур қушчи Абдужаббор Қаҳҳоров билан суҳбат

— Аввало шуни айтиш керакки, — дейди суҳбатдошимиз. — Минг йиллардан буён донишмандлар қушларни тинчлик, меҳр-муҳаббат, ҳамжиҳатлик, эзгу орзу-ниятлар рамзи сифатида билишган. Қушларга муносабат инсоннинг маънавият даражасини ҳам белгилайди. Бу ҳақда муқаддас китобларда айтилган, Фаридиддин Аттор, Али Қушчи ва Алишер Навоий ҳазратлари ўзларининг асарларида қайд этиб ўтишган.

— Ўзингизда қушларга қизиқиш қандай пайдо бўлган?

— Бу ҳақда дастлаб раҳматли Акбарали бобомдан эшитганман. У киши бедана, каклик, қумри каби қушларни парваришлардилар. Бу касб менга бободан мерос. Қаҳҳор отам ашаддий от ишқибози сифатида танилган бўлса-да, қушларга ҳам беэътибор эмасди.

Ота-боболаримиз шу иш билан шуғулланишгани учун мен ҳам, укам Ҳамидилло ҳам қушларга меҳр қўйдик. Укамнинг ўғиллари асосан тўтиқуш парвариш қилади. Қушчилик билан доимий шуғулланишимда турмуш ўртоғимнинг таъсири катта бўлган. Рафиқам асли рус тили ўқитувчиси. Ўзим эса автокорхонада механик бўлиб ишлардим. Шаҳар, вилоят, республика босқичидаги «Қушлар байрами»да қатнашардим. Кейинчалик «Зоомагазин»да ишлашга таклиф этишди. Хуллас, қушчилик оддий қизиқишдан асосий меҳнат фаолиятимга айланди.

Мансур Отабеков, Симинов деган орентологлар бўларди. Раҳбарларнинг эътибори туфайли қушчилик ривожланди. Кейин эса Малайзия, Индонезия, Покистон, Дубай, Таиланд, Германия, Испания, Италия давлатларидаги ҳамкасбларим билан танишдим.

— Сиз халқаро кўргазмаларда медаль ва дипломлар билан ҳам тақдирланган экансиз. Шулар ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— 12 та олтин, 4 та кумуш, 4 та бронза медалим бор. Чехословакиянинг Оломоуц шаҳрида ҳар икки йилда бир маротаба халқаро кўрик-танлов ўтказиларди. 1987 йилда «Сайроқи ва жозибали қушлар» номинацияси бўйича олтин медаль билан тақдирланганман. Мазкур танловда тўрт марта иштирок этган бўлсам, ҳар гал катта эътибор ва эътирофга сазовар бўлардим. «Гран-при экзота» соврини жаҳондаги саккиз нафар қуш парваришловчига насиб этган. Бу мукофотга МДҲ мамлакатлари ичида фақат биз муяссар бўлганмиз.

— Қушларингиз кўпми?

— 25 турдаги 100 дан зиёд қушим бор. Қариб қолганим учун бу иш билан ўғилларим Бахтиёржон ва Баҳодиржон шуғулланишади. Бахтиёр олий маълумотли биология ўқитувчиси, Баҳодирнинг ҳам қушлар парвариши бўйича билим-тажрибаси мутахассисларникидан қолишмайди. Набираларим ичида Мўминтойнинг қизиқиши бўлакча. Мактабда ҳам яхши ўқийди. Мен унга доим зарур маслаҳатлар бериб тураман.

— Қушларингизни кўриш, сиз билан гурунглашиш учун узоқ-яқиндан қизиқувчилар ҳам келиб туришади, деб эшитдик.

— Самарқанд, Бухоро, ҳатто чет элдан ҳам меҳмонлар келиб туради. Яқинда хонадонимизга Марғилондан иккита автобусда ўқитувчи ва ўқувчилар келишди. Львовлик бир танишим телефон қилиб, келиш истагини билдирганди. Унинг сафари мен учун жуда фойдали бўлди. Сабаби, баъзи қушларимнинг патлари хурпайиб, товланмай қўйганди. Меҳмон маслаҳатларига амал қилгандим, уларнинг пати шундоқ бир ялтираб, жилоланиб кетдики, мен учун бу катта хурсандчилик бўлди.

— Парранда, айнан қушлар жуда нозик, касалликка тез чалинади, дейишади. Шу ростми?

— Шундоқ-ку-я, лекин қушлар табиатнигина эмас, ўзларини ҳам даволаш хусусиятига эга. Уларнинг соғлом ёки хасталигини кўз шаклидан, сувга муносабатидан билиб олиш мумкин. Агар қуш касалликка чалинмаган бўлса, кўзи юмюмалоқ бўлади, сув қуйсангиз дарров келиб ичади ёки чўмилишга тутинади.

— Бугунги кунда одамларнинг қушларга ва бу соҳа кишиларига бўлган муносабати ҳақида қандай фикрдасиз?

— Очиғи, қушларга муносабат сусайган. Авваллари мактабларда баҳор келиши билан меҳнат дарсларида ин ясаб, дарахтларга ўрнатишарди. Ҳозир эса бу одат урфдан чиққан. Умуман олганда, қанотли дўстларимизга нисбатан яхши муносабатни фарзандларимизда шакллантиришимиз керак. Бунда ўқитувчи-мураббийларга суяниб иш кўриш лозим.

Яқинда бухоролик Нажмиддин қушчидан хушхабар эшитдим. Вилоят ҳокимлиги томонидан қушчиликни ривожлантириш учун унга 4 гектар ер майдони ажратиб беришибди. Менда эса 10 сотих ер бор, холос. Ерёнғоқ, писта, нўхат, маккажўхори, мевалардан олма, ёнғоқ, анор етиштиришимиз керак. Чунки булар қушларнинг асосий озуқаси ҳисобланади.

Қушларга меҳр билан эътибор кўрсатиладиган жойда барака, хотиржамлик, аҳиллик бўлади. Ривоятларга кўра, қушлар Хизр қўрғонининг элчилари экан...

Носиржон ДЕҲҚОНОВ суҳбатлашди.

Суратда: *Абдужаббор Қаҳҳоров набираси Мўминтой ва тўтилар билан.*



Янги китоблар

Китоб — титраб турган юракнинг акси. Иброҳим Ғафуров ана шундай безовта юрак садоларини қоғозга заргарона тушира оладиган тафаккурли ижодкор. Бу тафаккур ёлқинлари узоқ йиллардан буён адабиётга собитқадамлик билан хизмат қилиб келмоқда.

КЎНГИЛДАГИ БАЙРАМ

Яқинда «Шарқ» НМАК Бош таҳририяти Иброҳим Ғафуровнинг «Ҳаё — халоскор» ва «Мангу латофат» номли китобларини ўқувчиларга тухфа этди. Китобларнинг тақдимоти адабиётшунос олим, танқидчи ва адибларнинг хурсандчилигига айланиб кетди. Икки жилдлик ушбу асарлардаги насрий назмлар — мансуралар, мумтоз адабиёт ва сиймолар ҳақидаги тадқиқотлар, бадиалар ўқувчини чуқур мушоҳада юритишга, фалсафий хулосалар чиқаришга ундайди.

«Мангу латофат» китобида адибнинг миллат шаклланиши, миллий онгнинг уйғониши, мураккаб тарихий ва ижтимоий жараёнларда ўзликни таниш ҳақидаги ўзига хос фалсафий кузатишлари, ўй-хаёллари акс этган.

— Илгарилари бундай учрашувлар институт, мактаб ва шу каби масканларда ўтказиларди, — дейди Умарали Норматов. — Бироқ, бу сафарги учрашув ўзига хос ҳозирлик билан ташкил этилгани ҳаммамизни қувонтирди. Ижодкор ва китобхонларнинг юзма-юз мулоқоти бевосита китоблар марказида бўлаётганининг ўзи китобхонликка қайтилаётганининг ёрқин далили дейиш мумкин.

Сермаҳсул ижодкор-олимнинг ушбу асарлари китобхон маънавиятини янада юксалтиришга, тафаккур олами сарҳадларининг кенгайишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Рустам БОЙТЎРА